ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Холмирзаев Нодиржон Низомжонови
ТДТУ Қўқон филиали Ижтимоий
ва аниқ фанлар кафедраси мудири
Муратов Эмир
9-20 ТМЖ гуруҳи талабаси

Аннотация: Мустақилликка эришган илк кунларданоқ инсон маънавияти, шахс камолоти, баркамол авлод тарбияси, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий, диний билимлар ҳамда кўникма ва малакаларини шакллантириш масаласи энг долзарб вазифалар сифатида намоён бўлди.

Калит сўзлар: Тарбия, малака, таълим, ҳуқуқ, метод.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов томонидан бошланган маънавиятга доир ислоҳотлар бугунги кунда ҳам жадал давом этмоқда. Президентимиз Ш. Мирзиёев соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ислоҳотларни давом эттириб ёшларга етарли шароитлар яратишга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Айниқса талабаларда маънавий дунёқарашни шакллантириш орқали юксак маънавиятли, юқори интеллектуал салохиятга эга рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизими фаолият кўрсатаётганлиги қувонарлидир. Шундай ютуқларга эришган бўлсакда хамон хал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар хам йўқ эмас. Айнан шу боисдан сохада амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш мақсадида президентимиз томонларидан 2016 йил 14-сентябрь куни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”[1] қонун қабул қилинганди.

Таъкидлаш жоиз замонамизда ёшлар ва сиёсат тушунчалари ўзаро мужассамлашиб кетди. Давлат сиёсати айни пайтда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг катта қисми келажагимиз эгалари бўлмиш ёшлар учун эканлигини белгилаб бермоқда. Бугунги кун баркамол авлодни тарбиялашда олдимизга қатор масалалаларни кўндаланг қўймоқда. Жумладан «Бугунги кундаги асосий вазифа ... ёш авлодни миллатнинг дардига дармон бўладиган, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи, мамлакатимизнинг юксак парвозига зўр қанот бўлувчи комил инсон қилиб тарбиялашдан иборат»[2]. Бу эса ечимини кутаётган айрим масалаларни зудлик билан бартараф этиш иконiятини яратади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган маданий-маънавий соҳалардаги сиёсатнинг устувор вазифаси мамлакатимиз ёшларига бой тарихимиз, маънавий қадриятларимиз, маданий меросимиз, қадим тарихий даврга бориб тақалиши, Ўзбекистон кечаги давлат эмаслиги, балки узоқ ўтмишга эга эканлигини намоён қилишдан иборат. Шунингдек мамлакатимизда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи баъзи ёт унсурларга эътибор қаратганимиз холда улар хақида ёшларни огохлантиришимиз хамда тўғри тушунтириш илари олиб боришимиз зарурдир. Бугунги кунда ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар сифатида қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

- Оммавий маданият, диний экстремизм ва фундаментализм, ақидапарастлик, терроризм, ахборот хуружлари, наркобизнес, миссионерлик,

маънавий ва мафкуравий тахдидлар ва хаказо...

[1] https://lex.uz/acts/3026246

[2] Умумий ўрта таълимнинг давлат таълими стандарти ва ўқув дастури. Т.: Шарқ , 1999, 2-сон. -Б. 83-84.

Ушбу омиллар бартараф этилмас экан юксак маънавиятли ёшлар қатламини тарбиялаш муаммога айланади. Айни пайтда юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашда қуйидагиларга алохида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.

- Иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик – шахс маънавий фазилатларини ёшлар онгига сингдириш;

- Миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш бўйича давра суҳбатлари, учрашув-мулоқотлар ва тадбирлар ўтказиш;

- Ёшларни оила тарбияси, тарбиявий муносабатлар тўғрисидаги билимлар билан қуроллантириш;

- Диний экстремизм, фундаментализм ва терроризм: мақсади, манфур қиёфаси, уларга қарши курашчанликни шакллантириш;

- Ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат ва фуқаролик бурчига садоқат шахс маънавий баркамоллиги мезонлари асосида сиёсий – ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантириш;

- Ёшларга семинар-тренинглар ва экскурсиялар ташкил этиш орқали ўзбек халқининг маънавий мероси ва миллий маданиятининг тикланиши, маънавий мерос, маданий бойликлар ва кўҳна тарихий ёдгорликларни ўргатиш;

- Ёшларга таълим-тарбия беришда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги таъминлаш ва бошқалар

Биринчи президентимиз томонидан фикр юритилаётган масалага алоҳида тўхталингани хам бугунги кунда мамлактимизда ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилаётганини исботлайди. Зеро «биз халқимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшашлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи ҳеч шубхасиз, беқиёс ахамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни йўқотсак бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига ўзи бўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан тарихий хотирамиздан айрилиб охир оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»[3] деган эди биринчи президентимиз Ислом Каримов.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки миллий ўзликни англаш, диний экстремизм, фундаментализм ва терроризм каби салбий иллатлар тўғрисида аниқ маълумотлар бериш ва ёшлар тарбияси сохасида бошланган тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мухим ўрин тутади .

Адабиётлар рўйхати:

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълими стандарти ва ўқув дастури. Т.: Шарқ , 1999, 2-сон. -Б. 83-84.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. –Б.4.
3. Лернер И.Я. Философия дидактики и дидактика как философия. - М.: Педагогика, 1995.

[3] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. –Б.4.

4. Маркова А.К. Психологический анализ профессиональной компетентности учителя // Советская педагогика. – 1990. - № 8. - С. 82-88

5. Морева Н.А. Основы педагогического мастерства. Практикум. Учебник для ВУЗов. -М.: Просвещение, 2006. - С.73.

WORDLY
KNOWLEDGE